

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/04.03.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛИҚОВА ДИЛРАБОХОН СОБИРЖАНОВНА**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ИЧАК МИКРОБИОТАСИНИНГ МЕТАБОЛИК  
ФАОЛЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

**АНДИЖОН – 2024**

УЎК:612.35:612.343:615.35:616-092.11:616.36-002.2

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

<b>Холиқова Дилрабохон Собиржановна</b>	<b>5</b>
Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш.....	
<b>Холиқова Дилрабохон Собиржановна</b>	<b>19</b>
Совершенствование методов диагностики и лечения метаболической активности кишечной микробиоты у больных ишемической болезнью сердца.....	
<b>Kholikova Dilraboхon Sobirjanovna</b>	<b>23</b>
Improving the diagnosis and treatment of metabolic activity of the intestinal microbiom ein patients with coronary heart disease.....	
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати.....</b>	<b>42</b>
Список опубликованных работ.....	
List of published works.....	

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛИҚОВА ДИЛРАБОХОН СОБИРЖАНОВНА**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ИЧАК МИКРОБИОТАСИНИНГ МЕТАБОЛИК  
ФАОЛЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib.2234 рақам  
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш вебсаҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраева Мохигул Азимжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**  
**Тулябаевна**

**Рустамова Мамлакат**

профессор

Тиббиёт фанлари доктори,

**Хабибуллаевич**

**Юлдашев Абдугани**

профессор

Тиббиёт фанлари доктори,

**Етакчи ташкилот:**  
**институти**

**Тошкент давлат стоматология**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферерати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

2024 йил «\_\_\_» даги \_\_\_\_\_ -сонли баённомаси.

**Х.Х. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.З. Мамарасулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**З.С.Салохиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

### **Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурияти.**

Дунёда юрак-қон томир тизими касалликлари ўлим кўрсаткичларининг етакчи сабабларидан бири ҳисобланади. 2019 йилнинг якуни бўйича 17,9 миллион инсон юрак-қон томир тизими касалликлари таъсирланган ва вафот этган, ушбу кўрсаткич дунёдаги ўлимларнинг 32%-ни ташкил этган<sup>1</sup>. Уларнинг 85%-и юрак хуружи ва инсултлар билан боғлиқ. Юрак-қон томир тизими касалликлари тўрт турига бўлинади, уларнинг учинчиси иқтисодий кўрсаткичларга кўра орта ва паст давлатларда кўзатишган. Носоғлом овқатланиш, семизлик, гиподинамия, тамаки махсулотлари ва алкогольни меъёрдани ортиқ истеъмол қилиш каби хавф омилларини бартараф этиш юрак хасталикларини камайтиришда муҳим. Юрак-қон томир касалликларининг ривожланишини таъминлашда атеросклероз, артерияларнинг сурункали яллиғланиши ва липидлар оксидланиши каби факторларни кучайтириш критикал. Жуда муҳим, уларнинг ташхисини яхши кўрсатиш учун вақтида даво кўрсатиш лозим.

Жахонда ичак микробиоти инсон саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда ўз исботини топмоқда. Илгари ишлатилган “эубиоз”, “микрoэкология”, “нормобиоценоз” тушунчалари ўрнига бугунги кунда “микробиот” ибораси тиббиётда тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Ўтказилган қатор тадқиқотларда ички аъзолар, хусусан юрак - қон томир касалликлари ривожланишида иммун – яллиғланиш тизимининг фаоллашиши, ушбу жараёнда ичак микробиотининг стимуляция қилиш таъсири мавжудлиги кўрсатилган. Ичак микробиотаси, овқатланиш тартиби ва таркиби, ундаги озуқа толаси, шиллик, глюкокаликс, эпителий, ҳужайра элементлари ҳамда шиллик қаватнинг ҳужайралараро матриксининг таркибий қисмлари, шунингдек уларни қон ва озуқа билан таъминловчи томирлари, лимфоид тўқималар ҳамда нерв чигалларини бирлаштирган ягона тизим ичак микроб - тўқима комплекси (ИМТК) билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда, юрак ишемик касаллигини (ЮИК) даволашда қатор самараси исботланган дорилар қўлланиб келинишига қарамадан, ҳамон улардан ўлим хавфи юқорилигича қолмоқда. Атеросклерознинг келиб чиқишида ва зўрайишида, атеротромбоз сабабларини, тромбоцитлар агрегацияси ва бошқа жараёнларни тадқиқ қилишдаги тажриба мутахассисларнинг эътиборини кўп йиллардан буён тортиб келмоқда. Лабораторияларда янги замонавий ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш, инсон ичаклари микробиом таркиби ва метаболик фаоллиги билан боғлиқ турли касалликларни ундиришга оид янги шароитларни яратишда мукофотланган. Юрак-қон томир касалликлари, асосан ЮИК

---

<sup>1</sup>Mozaffarian D., Benjamin E. J., Go A. S. et al./ “Heart disease and stroke statistics—2016 update: a report from the American Heart Association,”// *Circulation*. 2016- vol. 133, - no. 4, - article e38. 63, б. e38 Искаков Е.Б. Эпидемиология сердечно-сосудистых заболеваний //Медицина и экология. - 2017. - № 2. - С. 19-287;3, б. 19-287; Mozaffarian D., Benjamin E. J., Go A. S. et al./ “Heart disease and stroke statistics—2016 update: a report from the American Heart Association,”// *Circulation*. 2016- vol. 133,- no. 4,- article e38.63, б. e38

ҳолатларида, ичак микробиотаси ва моддалар алмашинувининг бузилиши (семизлик, дислипидемия) қайта кўриб чиқилади. Ушбу касалликларда микробиота триггер вазифасини (атеросклероз, семизлик, 2 тип қандли диабет, ичак яллиғланиши ва бошқалар) бажаради. Бактерияларнинг бири бири билан боғлиқлигини ўрганишда янги тиббий воситалардан фойдаланиш ва муолажаларда янги ёндаштиришга эътибор берилиш кўмакчи. Ошқозон ичак тизимида яшовчи ва турли экотизимни яратувчи микроорганизмлар тўплами ичак микробиомаси деб ёритилади. Ичак микробиотасини меъёрида бўлиши инсон саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Лекин ичакнинг дисбиотик ҳолати ҳар хил касалликларни ва шу қаторда атеросклерозни ҳам келтириб чиқаради. Аҳоли орасида турли касалликлар ва улар туфайли юзага келадиган асоратларни эрта ташхислаш, олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдамидан аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

хусусиятлари, тана вазни, қон босим ва овқатланиш тартиби каби хавф омилларга нисбатан фаол моддалар ҳолатини ўрганиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг турли мамлакатларида юрак хасталиги мавжуд бўлган беморларда метаболик кўрсаткич таҳлил қилинмоқда. Tang W.H. ва ҳаммуаллифлар томонидан - триметиламин-N-оксид (ТМАО) бирикмаси аниқланиб, фосфатидилхолин ва L-карнитин метаболизмидан келиб чиқиб, юрак қон томир юқори хавф омиллари мавжуд инсонларда уларнинг концентрацияси меъеридан баланд бўлганлиги тасдиқланган (Tang WH, Wang Z, Levison BS, Koeth RA, Britt EB. - 2013). Каламушларда ўтказилган тажрибалар натижасида триметиламин-N-оксидни атероген ва тромбоген гипотезаси ўрганилган, аммо тўлиқ маълумот олинмаган (Nowiński A, Ufnal M- 2017). Инсонларда олиб борилган илмий изланишларда эса ушбу модданинг юрак хасталиқларига таъсири ҳақида бир бирига зид маълумотлар мавжуд (Ufnal M, Zadło A, Ostaszewski R., 2015). Охириги йилларда триметиламин-N-оксид ҳосил бўлиши ва чиқитга чиқарилиши жараёнида ичак микрофлорасининг етакчи таъсири ҳақида айрим тадқиқотчилар бир тўхтама келмоқда. Шу сабабли қатор илмий изланишларда ичак микробиомаси атеросклероз ва унга боғлиқ касалликларни

даволашда потенциал нишон бўлиб қолмоқда (Кашух Е.А., Ивашкин В.Т., 2017). Триметиламин-N-оксид ингичка ичак дистал қисми ва йўғон ичак давомида ишлаб чиқарилади [Falony G, Vieira-Silva S, Raes J., 2015;].

Маълумки, йўғон ичакда бактериялар сони ингичка ичакдагига нисбатан кўпроқ. Ошқозон ичак касалликларининг аксариятида, ичаклар моторикаси бузилганда ингичка ичакда ҳам бактериялар ўсиши кузатилади ва уларда ортиқча ўсиш синдроми ривожланади.

Ҳозирги кунда, баъзи илмий тадқиқотларда ортиқча бактерия ўсиш синдромини юрак қон томир хасталиклари билан боғлиқлиги кўрсатилган (Fialho A, Kochhar G, Schenone AL, Thota P, McCullough AJ, Shen B. , 2018). Джорджтаун университети тиббиёт факультетида (Вашингтон) Марта Д. Гей ва ҳаммуаллифлар томонидан ўт кислоталари ортишига қисқа занжирли пептид холецистокинин-8 сабабчи бўлиши ва улар ўз навбатида ТМАО кўпайишига олиб келишини сичқонларда ўтказган тажрибаларда кўрсатишган ва ХЦК рецептори блокатори сифатида проглумид қўллаб сичқонларда ёғли гепатозни олди олингани аниқланган (Марта Д. Гей, Хонг Цао, Нараян Шивапуркар, Шиванесан Дакшанамурти , Бхаскар Каллакури , Робин Д. Такер , Джон Квагян, Джилл П. Смит, 2022). Ҳозирга қадар ўт кислоталар ва бактериал ўсиш синдромини ортиши ҳамда метиламин метаболизмига таъсир этувчи омиллар бир бири билан боғлиқлиги мукамал ўрганилмаган ва уни юрак ишемик хасталиги билан алоқаси кўрсатилмаган, шунингдек, дисбиозни даволашда монанд даво чоралари танланмаган (Boutagy NE, Neilson AP, Osterberg KL, Smithson AT, Englund TR, Davy BM, Hulver M.W, Davy K.P., 2015; Tripolt NJ, Leber B, Triebel A, Köfeler H, Stadlbauer V, Sourij H., 2015). Ундан ташқари, юрак хасталиги билан оғриган беморларни комплекс даволашда ичак микробиотасига таъсир кўрсатиб, юрак қон-томир хавф омилларини камайтиришга йуналтирилган профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон Давлат тиббиёт институтининг бi-22/4 рақамли 2023 йил буйруғига асосан бажарилган. Илмий иш Ўзбекистонда касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш, диагностика, профилактика ва даволаш усуллариини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мувофик амалга оширилди.

**Тадқиқот мақсади.** юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда ичак микробиотасининг ўзгаришини проатероген метоболит триметиламин-N-оксид ишлаб чиқарилишига таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва даволаш чора тадбирларни такомиллаштиришдан иборат

**Тадқиқот вазифалари:**

ЮИК билан касалланган беморларда фекал микрофлора ҳолатини ўрганиш;

беморларда ёш, тана вазни, қон босим ва овқатланиш тартиби каби хавф омилларга нисбатан триметиламин-N- оксидни миқдорий ўзгаришини баҳолаш;

турғун зўриқиш стенокардияси ФС 2 билан ташхисланган беморларда триметиламин N - оксиди ортишини липид спектри кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

аниқланган ичак дисбиозига ва атероген триметиламин N - оксидни ишлаб чиқарилишига қисқа занжирли пептид холецистокнин-8 таъсирини ўрганиш;

ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини олдини олиш ва даволашда комплекс муолажаларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида юрак ишемик касаллиги билан касалланган 90 нафар бемор ва 30 нафар нисбий соғлом кишиларда ўтқизилган инструментал ва лаборатор маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Андижон давлат тиббиёт институти терапевтик бўлимларида ётиб даволанган юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиш стенокардияси билан даволанаётган беморлар ва уларнинг клиник-лаборатор материаллари таҳлили олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, микроскопик, асбобий, махсус ва статистик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистонда ЮИК билан касалланган беморларда триметиламин N-оксидни аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва унинг миқдорини ичак дисбиози билан корреляцион боғлиқлиги исботланган;

илк бор ЮИК билан касалланган беморларда миллий овақатланишда триметиламин ҳосил бўлишига ёрдам берувчи озуқалар тури аниқланган ва ушбу озуқаларни триметиламин оксид миқдори ортиши билан боғлиқлиги ўрганилган;

комплекс терапиясида қисқа занжирли пептидлар рецептори антогонисти локсиклумид (итопринд гидрохлорид) ва дисбиозга қарши универсал пробиотик линекс форте қўллаган ҳолда ичак микробиомини юрак қон томир хавф кўрсаткичларининг камайишига таъсири баҳоланган;

комплекс даво таркибидаги қисқа занжирли пептидлар рецептори антогонисти иитопринд гидрохлорид ва линекс форте комбинациясини липид спектри кўрсаткичларини яхшиланишига ижобий таъсири этиши исботланган.

турғун зўриқиш стенокардияси 2 ФС билан хасталанган беморларда триметиламин продуцентларни инобатга олган ҳолда комплекс даво ва профилактика чора тадбирлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

меъда фаолиятига қисқа занжирли пептидларнинг иштироки тўғрисидаги тасаввурлар кенгайтирилган;

юик билан хасталанган беморларда атеросклероз ҳосил бўлишига ёрдам берувчи озуқалар турини камайтириш ва қизил гўшт, тухум маҳсулотлари истеъмолини ҳафтада 3 мартабадан оширмаслик тавсия этилган;

беморларда триметиламин N-оксид миқдорини ортиши ичак дисбиози билан биргаликда келиши аниқланган ва пробиотикни қўллашга кўрсатма



бўлган;

комплекс терапиясида қисқа занжирли ХЦК-1 рецептори антогонисти локсиклумид (итопринд гидрохлорид) ва универсал пробиотик линекс фортени қўллаш билан ичак микробиоми яхшиланган, натижада юрак қон томир касалликларни хавф омилларини пасайтириши аниқланган;

комплекс давога киритилган қисқа занжирли пептидлар рецептори антогонисти иитопринд гидрохлорид ва линекс форте комбинациясини липид спектри кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келиши кўрсатилган;

турғун зўриқиш стенокардиясида беморларга атеросклерозни олдини олиш ва даволашда локсиглумид агонисти иитопринд гидрохлорид, шунингдек, универсал пробиотик линекс фортени қўллаб даволашни анъанавий негизида янги технология таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, бактериологик, микроскопик, клиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, уларни халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиш стенокардияси билан хасталанган беморларда ичак дисбиозини қонда проатероген триметиламин-N-оксид ва қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ни ортишига таъсири билан изоҳланади.

Овқатланиш рационига фосфатидилхолин ва L-карнитин маҳсулотлари (қизил гўшт, сут маҳсулотлари, тухум) ортиши триметиламин N оксид миқдорини юқорилиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган ва юрак хасталиги билан оғриган беморларда диетик таклифларга қўшимчалар киритилган. Олинган натижаларни юрак қон-томир хавф омилларини пасайтиришда қўлланилиши, ичак микрофлорасини меъёрлаштиришда қисқа занжирли пептидлар рецептори блокатори иитопринд гидрохлоридни тавсия этилиши ичакдаги фосфодихолин ва карнитинга бой маҳсулотларни узоқ сақланиши ва бижғишини олдини олади ҳамда универсал пробиотик ёрдамида бифидумбактерия каби сапрофит микроорганизмларни ортишига олиб келади. Овқат рационини бундай ўзгартирилиши профилактика чора тадбирларини такомиллаштиришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Илмий тадқиқот натижалари Наманган вилояти ва Фарғона вилоят Тошлоқ туманининг катта ва ўрта ёшдаги аҳолиси ўртасида юрак ишемик касаллиги билан касалланган беморларда ичак микробиотаси фаоллигини аниқлаш ва даволаш бўйича:

### **1-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** ЮИК билан хасталанган беморларда триметиламин N-оксидни Ўзбекистон худудида аниқлаш усули илк бора ишлаб чиқилган ва унинг миқдорининг ортиши ичак дисбиози билан

корреляцион боғлиқлиги исботланган,триметилаин-N-оксид миқдорини ортишида қисқа занжирли пептидлар ўрни ўрганилди.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** текширув доирасида триметиламин N оксидни Ўзбекистон худудида аниқлаш усули илк бора ишлаб чиқилган, қисқа занжирли пептидлар ортиши у билан корреляцион боғлиқлиги исботланган ва уларни атеросклероз предиктори сифатида қўллашга имкон берган.

**Илмий янгиликнинг амашиётига жорий қилиниши:** Наманган вилояти Республика ихтисосштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали (буйруқ № 142, 9.08.2023 асосида) ва Фарғона вилояти Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси (буйруқ №137, 5.08.2023 асосида) амалиётига жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: қонда триметиламин N-оксид ва қисқа занжирли пептид 8 ни аниқлаш атеросклероз ривожланишини эрта аниқлайди ва диагностикага жорий этиш қиммат баҳо текширув усуллардан фойдаланишни олдини олиш имкониятини яратган (коронарография, липид спектор ва бошқа текшириш усуллар).

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: тавсия этилган лаборатор текшириш усули ташхислаш ва даволашда қўшимча текширишлар ўтказилиши талаб этмайди, қўлланиладиган патогенетик даво амбулатор равишда давом этиш тавсиясига асосланиб, тадқиқотга талаб этиладиган даво вақти 12 кундан 8 кунгача (1 кунлик ётоқ 250000, дори дармон 1600000 даво курсига) қисқартирилиши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (анъанавий ташхис даволаш усулининг ўртача нархи 1-бемор учун бюджет ҳисобидан 4600000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усул билан текшириб олиб бориш 7 кун бўлади ва нархи эса 3350000 сўм).

**Хулоса:** Тавсия этилган ташхислаш ва даволаш усулдан фойдаланиш муолажаларни ўтказиш вақтини 1-1,5 баробар қисқартириб, диагностика қилиш ҳисобига бюджет маблағларини 1250000 сўмга иқтисод қилиш имкониятини берган.

Холиқова Дилрабо Собиржоновнанинг «Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини диагностика, даволаш ва профилактикасининг замонавий имкониятлари» мавзусида илмий янгиликларни даволаш профилактика муассасаларига жорий этилиши Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашида 2023 йил 27 июндаги №6 і-27/и -сон билан тасдиқланган.

## **2-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** ЮИК билан хасталанган беморларда миллий овақатланишда триметиламин ҳосил бўлишига ёрдам берувчи озуқалар тури аниқланган ва ушбу озуқаларни триметиламин оксид миқдори ортиши билан боғлиқлиги ўрганилган;

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ЮИК билан хасталанган беморларда

ичак микробиотаси ўзгарган яъни лактобактериялар сони  $10^4$  дан, бифидобактериялар сони  $10^6$  дан камайиб, шартли патоген бактериялар сони  $10^7$  дан кўпайганда ичак дисбиози рифожланади. Бундай ҳолатда эса ТМАО миқдори ортади. Триметиламин фосфадилхолин ва L-карнитин метаболити бўлиб, у қизил гўшт, сут, тухум ва пишлоқ маҳсулотларида кўп. Фосфадилхолин ва L-карнитин ингичка ичакда қисман сўрилиб қолган қисми йўғон ичакда сўрилади у ердаги бактериялар ёрдамида сўрилади. Шу озуқаларни диетик тавсияларда камайтириш атеросклероз ривожланишини, юрак хасталигини асоратларини олдини олади.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Наманган вилояти Республика ихтисосштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали (буйруқ № 142, 9.08.2023 асосида) ва Фарғона вилояти Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси (буйруқ №137, 5.08.2023 асосида) амалиётга жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: диетик тавсияларда фосфадилхолин ва L-карнитин маҳсулотларни истеъмолини ҳафтада 3 маротабадан ортирмаслик беморларни даволаш сифатини 85%га яхшиланишига имкон берган.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Беморлар диетасида қизил гўштни паранда ва денгиз маҳсулотларга алмаштириш, тухумни 3 донадан ҳафтасига оширмаслик, кўпроқ қарам истеъмолини парhezга қўшиш беморга ҳафтага бир киши учун сарф харажат 1000000 атрофида бўлса (1 кг мол гўшти 100000 сўм.) паранда гўштига ўтганда (1 кг товуқ гўшти 35000) 600 000 гача тушади. Бунда биз 60% озуқага иқтисод қилган бўламиз.

**Хулоса:** диетик тавсияларда фосфадилхолин ва L-карнитин маҳсулотларни истеъмолини ҳафтада 3 маротабадан ортирмаслик беморларни даволаш сифатини 85%га яхшиланишига имкон бериши аниқланган, тўғри диетик тавсиялар ҳисобига 60% гача маблағлар иқтисод қилинган.

Холиқова Дилрабо Собиржоновнинг «Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метабolik фаоллигини диагностика, даволаш ва профилактикасининг замонавий имкониятлари» мавзусида илмий янгиликларни даволаш профилактика муассасаларига жорий этилиши бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашида 2023 йил 27 июндаги №6 i-27/u -сон билан тасдиқланган.

### **3-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти** ЮИК комплекс терапиясида қисқа занжирли пептидлар рецептори антогонисти локсиклумид (итопринд гидрохлорид) ва дисбиозга қарши универсал пробиотик линекс форте қўллаган ҳолда ичак микробиомини юрак қон томир хавф кўрсаткичларининг камайишига таъсири баҳоланган;

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ЮИК комплекс терапиясида қисқа занжирли ХЦК-1 рецептори антогонисти иитопринд гидрохлорид ва дисбиозга қарши универсал пробиотик линекс форте қўллаган ҳолда ичак

микробиомини юрак қон томир хавф кўрасаткичларининг камайиши яхшиланган ва уларни комбинацияси ичак микрофлорасини, липид спектр кўрсаткичлари, холестерин, паст зичликдаги липопротеидлар, трансминаза, қон босимни пасайтиришга ва юқори зичликдаги липопротеинлар ортишига ижобий таъсир қилган.

**Илмий янгиликнинг амалиётига жорий қилиниши:** Наманган вилояти Республика ихтисосштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали (буйруқ № 142, 9.08.2023 асосида) ва Фарғона вилояти Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси (буйруқ №137, 5.08.2023 асосида) амалиётига жорий этилди.

**Илмий ишнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагича; таклиф этилган фармакологик комбинацияда юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларни стандарт даволашга қўшимча қилиб даволаш натижасида беморларда атеросклероз профилактикаси ўтказилган, липид спектр кўрсаткичлари пасайган, ичак фаолияти меъерлашган, қон босим тушган, даволаниш учун кетган ўртача харажатлар нархи камайган.

**Илмий ишнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат; тавсия этилган фармакологик комбинация юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларни патогенетик даволаш натижасида иқтисодий самарадорликни юқорилиги 60% гача маблағлар тежалишига эришилган.

**Хулоса:** бундай даволаш усули клиницистлар даволаш алгоритмини тўғри танланишига олиб келади.

Холиқова Дилрабо Собиржоновнанинг «Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини диагностика, даволаш ва профилактикасининг замонавий имкониятлари» мавзусида илмий янгиликларни даволаш профилактика муассасаларига жорий этилиши Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашида 2023 йил 27 июндаги №6 і-27/у -сон билан тасдиқланган.

#### **4-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** ЮИК комплекс даво таркибидаги қисқа занжирли пептидлар рецептори антогонисти итоприд гидрохлорид ва линекс форте комбинациясини липид спектри кўрсаткичларини яхшилланишига ижобий таъсири этиши кўрсатилган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ЮИК комплекс терапиясида қисқа занжирли ХЦК-1 рецептори антогонисти итоприд гидрохлорид ва дисбиозга қарши универсал пробиотик линекс форте қўллаган ҳолда ичак микробиомини юрак қон томир хавф кўрасаткичлари камайишига таъсири тасдиқланган ва уларни комбинацияси липид спектр кўрсаткичлари яхшилланишига ижобий таъсир қилган.

**Илмий янгиликнинг амалиётига жорий қилиниши:** Наманган вилояти Республика ихтисосштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали (буйруқ № 142, 9.08.2023 асосида) ва Фарғона вилояти Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси (буйруқ №137, 5.08.2023 асосида) амалиётига жорий этилди.

**Илмий ишнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагича; таклиф этилган фармакологик комбинацияда юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларни стандарт даволашга кўшимча қилиб даволаш натижасида беморларда атеросклероз профилактикаси ўтказилган, липид спектр курсаткичлари пасайган, даволаниш учун кетган ўртача ҳаражатлар нархи камайган.

**Илмий ишнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат; тавсия этилган фармакологик комбинация юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларни патогенетик даволаш натижасида иқтисодий самарадорликни юқорилиги 60% гача маблағлар тежалишига эришилган.

**Хулоса:** бундай даволаш усули клиницистлар даволаш алгоритмини тўғри танланишига олиб келади.

Холиқова Дилрабо Собиржоновнанинг «Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини диагностика, даволаш ва профилактикасининг замонавий имкониятлари» мавзусида илмий янгиликларни даволаш профилактика муассасаларига жорий этилиши Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашида 2023 йил 27 июндаги №6 i-27/u -сон билан тасдиқланган.

### **5-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК**

**Илмий янгиликнинг моҳияти:** юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиш стенокардияси 2 ФС билан хасталанган беморларда триметиламин продуцентларни инобатга олган ҳолда комплекс даво ва профилактика чора тадбирлари такомиллаштирилган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиш стенокардияси 2 ФС билан хасталанган беморларда триметиламин продуцентларни инобатга олган ҳолда комплекс даволашни ўзига хос хусусиятларига асосланиб даволашни индивидуал танлашга имкон берган.

**Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** Наманган вилояти Республика ихтисосштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали (буйруқ № 142, 9.08.2023) ва Фарғона вилояти Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси (буйруқ №137, 5.08.2023) амалиётига жорий этилди.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: беморларда тўғри диетик маслаҳатларни олиб бориш, 53% иқтисод қилишга олиб келган. Триметиламин N-оксид ва холецистокинин 8 микдорини аниқлаш билан ривожланган атеросклерозни олдини олиши, Линнекс форте ва итоприд гидрохлорид комбинациясини қўллаш антиатеросклеротик таъсир кўрсатиши ва ўлим кўрсаткичини пасайтириши, беморларни даволаш сифатини 85% га яхшиланиши исботланган.

**Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: Ушбу усулда диагностика, даволаш ва профилактика ўтказишда йиллик иқтисодий самарадорлик:

$$C = C_{\text{йил}} - X_{\text{пу}} - X_{\text{ду}} = 4426000 - 492800 - 120000 = 3813200 \text{ сўм.}$$

Бу ерда, С<sub>йил</sub> – ўртача йиллик тежамкорлик; X<sub>пу</sub> – янги прогностик

усулга бир марта тўланадиган ҳаражат ; Хду – янги диагностик текширувига кетган бир марталик ҳаражат.

Биринчи босқичда макро- ва микро даражада фаолият самарадорлиги куйидагича ҳисобланади.

$$K_{сам} = C_{йи} / X = 3813200 / 542600 = 7.$$

Бу ерда,  $K_{сам}$  – янги диагностик усулни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга ҳаражат самарадорлиге коэффиценти;  $C_{йи}$  – йиллик иқтисодий самарадорлик;  $X$  – янги прогностик усулни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга сарфланган ҳаражатлар йиғиндиси ( $X_{ич} + X_{тэ}$ ). даволаш ҳисобига 53% гача маблағлар иқтисод қилиш имконини беради.

Холиқова Дилрабо Собиржоновнанинг “Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини диагностика, даволаш ва профилактикасининг замонавий имкониятлари» мавзусида илмий янгиликларни даволаш профилактика муассасаларига жорий этилиши Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашида 2023 йил 27 июндаги №6 і-27/и -сон билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

### **ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга эҳтиёж асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан технологиялари устивор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларининг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **адабиётлар шархи** бобида мавзуга тегишли маълумотлар, хусусан юрак ишемик касаллиги эпидемиологияси, юрак ишемик касаллиги, дисбиоз, микробиота, атеросклероз, қиска занжирли пептидларни дисбиозни кечишига таъсири, юрак қон томир тизимида I-карнитин таъсири, юрак қон томир касалликларида пробиотикларни қўллаш, диета ва унинг аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи **«тадқиқот материаллари ва усуллари»**га бағишланган бобида клиник материалнинг умумий таснифи, лаборатория ва

асбобий тадқиқот текшириш усуллари ҳамда олинган натижаларни статистик қайта ишлаш маълумотлари келтирилган.

Изланиш Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг 2 терапия бўлимида ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида ўтказилди.

Текширишни ташкил этишда кузатувдагилар стабил турғун зўриқиш стенокардиянинг 2 функционал синфи билан хасталанган беморлардан тасодифий танлов йўли билан шакллантирилди. Улар репрезентатив бўлиши учун кузатувга максимал клиник бир хил беморлар олинди. Оғир сурункали юрак қон - томир етишмовчилиги, анамнезда миокард инфаркти, мия қон-томир айланишини бузилиши ва клиник жиҳатдан аҳамиятли умумий соматик патологияга эга бўлган (қандли диабет) беморлар кузатувга киритилмадилар.

ЮИК турғун зўриқиш стенокардияси 2 функционал синф ташхиси қўйилган ҳар иккала жинсдаги 120 нафар беморлардан 90 тасида дастлабки текширувда ичак дисбиози аниқланди. Касалликни ўртача давомийлиги  $9,46 \pm 0,54$  йилни ташкил этди. Кузатувга олинганлар қабул қилинган терапияга қараб 3 тадқиқот ва 1 назорат гуруҳига ажратилдилар. 1 гуруҳга киритилган 30 бемор стандарт терапия (нитратлар, ангиотензинни айланттирувчи фермент ингибиторлари, бета блокаторлар, кальций каналлари антагонистлар) қабул қилдилар. 2 гуруҳ 30 кишига стандарт давога негизида қўшимча Линекс форте 1 капсуладан 2 маҳал 28 кун буюрилди. 3 гуруҳ 30 кишига стандарт даво + линекс форте ва ХЦК-1 рецептори блокатори итоприд гидрохлорид 1 таб 2 маҳал овқатдан аввал 28 кун давомида берилди. 4 назорат гуруҳи (юрак ишемик касаллиги белгилари бўлмаган кишилар) 30 кишига муолажалар буюрилмади. Улар тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Кузатувга олинган беморларнинг гуруҳлари.

Кузатувдагилар гуруҳи, n=120			
1 гуруҳ n=30	2 гуруҳ n=30	3 гуруҳ n=30	4 гуруҳ n=30
Стандарт даво	Стандарт даво+ линекс форте 1 капс 2 маҳал	Стандарт даво линекс форте 1 капс 2 маҳал+итоприд гидрохлорид 1 таб 2 маҳал	Назоратга олинган соғлом кишилар

Диссертациянинг «Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда ичак микробиотасининг метаболик фаоллигини диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» га бағишланган учинчи боби бта бўлимдан иборат. Уларнинг биринчиси парагрфи «ЮИК билан хасталанган беморларнинг умумий таърифи»га бағишланган.

Инсон саломатлиги ва иш фаолиятини муқобил маромда ушлаб туриш учун ичак микробиотаси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ошқозон ичак аутофлораси меъёрида бўлса ички аъзо ва тизимлар бир маромда ишлайди, дисбиоз ривожланганда эса турли касалликлар келиб чиқади. Сўнги йилларда ичак дисбиозини меъёрлаштириш йўналишида қатор изланишлар олиб борилди, аммо унинг турли ўтказувчи сигналлари ҳозирга қадар тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабаб дисбактериозни инсон соғлигига таъсири ва касалликларни келиб чиқишидаги ўрнини ўрганиш давом этмоқда. Юқорида келтирганимиздек, изланишда 90 нафар юрак ишемик касаллиги турғун зўриқиш стенокардияси 2 функционал синфи ҳамда ичак дисбиози биринчи ва иккинчи даражаси аниқланган беморлар иштирок этди. Уларни ўртача ёши 58,5±1,2 ташкил этди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Тадқиқотга жалб этилган беморларнинг гуруҳлар кесимида жинс ва ёши бўйича маълумотлар.

Ўзгарувчанлар		1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ	P	Жами
		(N=30)	(N=30)	(N=30)	(N=30)		(N=120)
Жинс	Аёл	17 (56.7%)	14 (46.7%)	20 (66.7%)	12 (40.0%)	0.112	63 (52.5%)
	Эркак	13 (43.3%)	16 (53.3%)	10 (33.3%)	18 (60.0%)		57 (47.5%)
Ёш категори ялари	30-49	5 (16.7%)	8 (26.7%)	6 (20%)	15 (50,0%)	<0,00 1	34 (28.4%)
	50-59	10 (33,3%)	12 (40.0%)	11 (36.7%)	11 (36.7%)		44 (36.6%)
	60-69	12 (40.0%)	7 (23,3%)	11 (36,7%)	2 (6.7%)		32 (26,7%)



	70	3 (10,0%)	3 (10,0%)	2 (6,7%)	2 (6,7%)		10 (8,3%)
--	----	--------------	--------------	----------	----------	--	--------------

2 жадвалда келтирилганидек барча изланишга олинганлар 4 гуруҳ кесимида гендер фарқ бўйича ўрганилди ва улар орасида аёллар 63 нафарни (52,5%), эркаклар 57 нафарни (47,5%) ташкил этди. Бунда имкон қадар изланишга жалб қилинганлар орасида катта фарқ бўлмаслигига ҳаракат қилинди. Ҳар бир гуруҳ кесимида гендер фарқ ўрганилганда, 1 ва 3 гуруҳ беморлар орасида нисбатан аёллар, 2 ва 4 гуруҳларда эса эркаклар кўпроқ аниқланди ( $p=0,112$ ). Ёш категориялари бўйича изланишга реципиентлар қуйидагича ажратилди 30-49 ёшда 34 нафар (28,4%); 50-59 ёшда 44 нафар (36,6%), 60-69 ёшда 32 нафар (26,7%), 70 ёш 10 (8,3%) нафарни ташкил этди. Шулардан, 1 гуруҳга киритилганлар 30-49 ёшда 5 (16,7%), 50-59 ёшда 10 (33,3%), 60-69 ёшда 12 (40,0%), 70 ёшдагилар 3 нафар (10,0%) беморлар танланди. 2 гуруҳга 30-49 ёшдагилар- 8 (26,7%), 50-59 ёшдагилар- 12 (40,0%), 60-69 ёшдагилар-7 (23,3%), 70 ёшдагилар- 3 нафар (10,0%); 3 гуруҳга 30-49 ёшдагилар - 6 (20,0%), 50-59 ёшдагилар -11 (36,7%); 60-69 ёшдагилар -11 (36,7%); 70 ёшдан юқорилар – 2 (6,7%) нафар беморни ташкил этди. Назорат гуруҳига ЮИК билан хасталанмаган инсонлар сарланди ва 4 гуруҳга қуйидаги ёшлар киритилди; 30-49 ёш 15 нафар (50%); 50-59 ёшдагилар 11 нафар (36,7%); 60-69 ёшдагилар 2 нафар (6,7%) 70 ёшдагилар назорат гуруҳига 2 нафар (6,7%) киритилди. Барча бемор ва реципиентларни гуруҳларга ажратишда бир бирига яқин ҳолатни қўллашга ҳаракат қилинди( $p<0,001$ ).

Тадқиқот давомида ЮИК билан хасталанган беморларда триметиламин-N-оксид концентрацияси ТМАО ни ёш билан боғлиқ ҳолатлари ўрганилган. Улар тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Кузатувдаги беморларда триметиламин-N-оксид ёш ва гендер фарқга нисбатан ўзгариши.

Ўзгарувчанлар		ТМАО ортган	ТМАО меъёрида	P	Жами
		(N=90)	(N=30)		(N=120)
Жинси	Аёл	51 (56,7%)	12 (40%)	0,112	63 (52,5%)
	Эркак	39 (43,3%)	18 (60,0%)		57 (47,5%)
	30-49	19 (21%)	15 (50%)	<0,001	34 (28,3%)

Ёш категориял ари	50-59	33 (36.7%)	11 (36.6%)		44 (36,7%)
	60-69	30 (33.3%)	2 (6.7%)		32 (26.7%)
	70	8 (9%)	2 (6,7%)		10 (8,3%)

ТМАО ни меъёрида кузатилиши назорат гуруҳида эркаларда 18 нафар (60%) ва аёлларда 12 нафар (40%) кузатилди. Қолган ёшдаги гуруҳларда; 30-49 ёшда 15 (50%), 50-59 ёшда- 11 (36.6%), 60-69 ёшда 2 (6.7%), 70 ёшда 2 (6.7%) ТМАО меъёр кўрсаткичи кузатилди ( $p < 0,001$ ).

ТМАОни ортиши 30-49 ёшда 19 нафар (21,1%), 50-59 ёшда 33 (36,7%), 60-69 ёшда 30 нафар (33,3%), 70 ёшда 8 нафар беморларда (9%) кузатилди ( $p < 0,001$ ).

Клиник лаборатор текширув хулосалари;изланиш давомида барча беморларда лаборатор текширувлар тўлиқ олиб борилди ва жами текширилганлар 120 нафарни ташкил этди.

Тадқиқотда беморларнинг биокимёвий таҳлил натижалари гуруҳлар кесимида аниқланган. Улар тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда берилган.

#### 4-жадвал

#### Кузатувга жалб қилинган беморларнинг гуруҳлар кесимидаги биокимёвий таҳлил натижалари.

Ўзгарувчанлар		1- гуру ҳ	2- гуру ҳ	3- гуруҳ	P	Жами (N=90)
		(N=30)	(N=30)	(N=30)		
Холецистокини н	Меъёрида	3 (10.0 %)	9 (30.0 %)	2 (6.7% )	<0,0 01	14 (15.6%)
	Патология	27 (90.0 %)	21 (70.0 %)	28 (93.3 %)		76 (84,4%)
Холестерин	Меъёрида	9 (30,0 .7%)	14 (46,7 %)	13 (43.3 %)	<0.0 01	36 (40.0%)

	Патология	21 (70.0 %)	16 (53,3 %)	17 (56.7 %)			54 (60,0%)
Триглицеридлар	Меъёрида	8 (26.7 %)	2 (6.7 %)	15 (50.0 %)	<0.0 1		25 (27,7%)
	Патология	22 (73.3 %)	28 (93.3 %)	15 (50.0 %)			65 (72,2%)
Паст зичликдаги липопротеинлар	Меъёрида	1 (3.3 %)	4 (13,3 %)	4 (13,3 %)	<0.0 1		9 (10%)
	Патология	29 (96.7 %)	26 (86,7 %)	26 (86,7 %)			81 (90.0%)
Юқори зичликдаги липопротеинлар	Патология	2 (6,7 %)	1 (3.3 %)	1 (3,3%)	<0.0 01		4 (22.5%)
	Меъёрида	28 (93,3 %)	29 (96,7 %)	29 (96,7 %)			86 (95,5%)

Жадвалда келтирилганидек 1 гуруҳда 27 (90.0%), 2 гуруҳда 21 нафар (70.0%); 3 гуруҳда 28 нафар беморда (93.3%) ТМАО ортиши билан муштаракликда ХЦК -8 ни ҳам қондаги даражаси юқори бўлди ( $p < 0,001$ ). Барча гуруҳлардаги 76 нафар беморда (84,4%) ХЦК-8 меъёридан кўтарилганлиги қайд этилди.


Триглицеридлар 1 гуруҳ-22 (73,3%), 2 гуруҳда 28 нафар (93,3%), 3 гуруҳда 15 нафар (50,0 %), жами 65 нафар ЮИК билан хасталанган беморларда триглицеридларни меъёридан юқорилиги кузатилди (72,2%), ( $p < 0,01$ ).

Холестерин 1 гуруҳда 21 нафар (70.0%), 2 гуруҳда 16 (53.3%) ва 3 гуруҳда 17 (56,7%) нафар беморда меъёрдан юқорилиги қайд этилди. Барча гуруҳлар бирга ўрганилганда уларни 54 нафарида холестерин меъёридан юқорилиги аниқланди (60,0% ), ( $p < 0,001$ ).


Паст зичликдаги липопротеидлар ортиши ҳам ТМАО юқорилиги билан бирга кечди. 1 гуруҳда 29 нафар (96,7%), 2 гуруҳда 26 нафар (86,7%) ва 3 гуруҳда 26 нафар беморда (86,7%) унинг юқорилиги қайд этилди. Барча гуруҳ беморларни 81 нафарда (90%) паст зичликдаги липопротеинлар юқорилиги кузатилди.

Юқори зичликдаги липопротеидлар таҳлилида ТМАО ортиши билан уларни пасайиши аниқланди. 1 гуруҳда 28 (93,3%), 2 гуруҳда 29 (96,7%) ва 3 гуруҳда 29 нафар (96,7%) тенглиги аниқланди. Барча беморларни 86 нафарда (95,5%) юқори зичликдаги липопротеинлар пасайиши қайд этилди ( $p < 0,001$ ).


Юқорида келтирилган кўрсаткичлар расмларда тасвирланганда назорат гуруҳига нисбатан ХЦК-8, холестерин, триглицерид ва паст зичликдаги липопротеидлар ортиши яққол намоён бўлди (1,2,3,4 расмлар).




**1- расм. Холецистокинин-8 миқдорини ўрганилган гуруҳ беморларида тарқалиш хусусиятлари**



**2-расм. Триглицеридларни ўрганилган гуруҳ беморларида тарқалиш хусусиятлари**



### 3-расм. Холестеринни ўрганилган гуруҳ беморларида тарқалиш хусусиятлари



4-расм. Паст зичликдаги липопротеидларни ўрганилган гуруҳ беморларида тарқалиш хусусиятлари.

Расмларда тасвирланганидек асосий ўзгаришлар 1,2 ва 3 гуруҳларда кузатилган.

Юрак ишемик касаллигини дисбиоз билан кечганда триметиламин N-оксидга боғлиқ ҳолда асбобий ва бемор шикоятлари ҳамда хавф омилларининг кузатилишига бағишланган парагрфимизга тадқиқотга жалб этилган беморларда кузатилган асбобий текширишлардаги ўзгаришлар баён қилинган ва қуйидаги 5-жадвалда қон босими, ультратовуш ҳамда ЭКГ даги ўзгаришлар келтирилган.

5

-  
жад  
вал

Тадқиқотга жалб этилган беморлардаги триметиламин N-оксид турли даражаларида айрим асбобий текширишлардаги ўзгаришлар.

Ўзгарувчанлар		ТМАО ортган	ТМАО меъёрида	р	Жами
		(N=90)	(N=30)		(N=120)
Артериал босим	1-босқич	19 (21,1%)	6 (20,0%)	<0.001	25 (20,9%)
	2-босқич	40 (44,4%)	2 (6,7%)		42 (35,0%)
	3-босқич	21 (23,4%)	1 (3,3%)		22 (18,3%)
	Меъёрида	10 (11,1%)	21 (70,0%)		31 (25,8%)
Ультратовуш текшируви	Гепатоз 1- даража	6 (6,6%)	3(10,%)	0.224	9 (7.5%)
	Гепатоз 2- даража	9 (9.9%)	0 (0%)		9 (7.5%)

	Гепатоз 3- даража	4 (4.4%)	0 (0%)		4 (3.3%)
	Холецистит, ўт пуфаги дискинезияси	70 (76.9%)	16 (53.3%)		86 (71.7%)
	Ўзгаришсиз	1(1.1%)	11(36.7%)		12(10%)
ЭКГ	Аритмиялар	10 (11,1%)	2 (6,7%)	<0.001	12 (10%)
	Гипертрофия	55 (61,1%)	10 (33,3%)		65 (54,2%)
	Гипоксия	2 (2,2%)	3 (10,0%)		5 (4,2%)
	Ишемия	17 (18,9%)	2 (6,7%)		19 (15,8%)
	Меъер	6 (6,7%)	13(43,3%)		19(15,8%)

